

2010-1-сон

Ишни кўришда ЖПКнинг 512-моддаси талабларига риоя қилинмагани сабабли суд қарорлари бекор қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2009 йил 12 мартдаги ажримига кўра, И.нинг ЖК 168-моддаси 2-қисмининг «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этиш ҳақидаги жиноят иши кўшимча тергов юритиш учун қайтарилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 28 апрелдаги ажрими ҳамда шу суд раёсатининг 2009 йил 18 сентябрдаги қарори билан суд ажрими ўзгаришсиз қолдирилган. Дастлабки тергов органи томонидан И. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбланган.

И. 2001 йил 26 декабрда ишончнома орқали Е.дан сотиб олган Бекобод шаҳар, 81-даҳа, 121-уй, 12-хонадонда яшаб келиб, 2004 йил 28 апрель куни олдиндан таниши бўлган М.га ўзи яшайдиган хонадонни 2.200.000 сўмга сотишга келишган, келишилган нархдан бир қисмини, яъни 1.900.000 сўм пулни олиб, қолган 300.000 сўмни нотариал идора орқали қонуний расмийлаштириш жараёнида беришини келишиб, М.га ушбу хонадоннинг калити ҳамда уй ҳужжатларини берган.

Шундан сўнг, И. 2004 йил 29 апрель куни М.лар яшовчи Бекобод шаҳар, 81-даҳа, 121-уй, 1-хонадонга бориб, М.нинг онаси Х.ни хонадон ҳужжатларини нотариал расмийлаштириб бериш билан ишонтириб, ҳужжатларни олиб кетган. Кейинчалик И. ушбу хонадонни Э.га 1900 АҚШ доллари ва 300.000 сўмга сотиб, Бекобод шаҳар Давлат нотариал идораси орқали 2004 йил 18 май куни расмийлаштириб бериб, М.дан алдаш ва

ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан 1.900.000 сўм пулни қўлга киритган.

ЖПК 513-моддасида қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек, суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) назорат тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга киргандан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилиши назарда тутилган.

Олий суд Пленумининг «Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги 2008 йил 15 майдаги қарорининг 3-бандида, ЖПК 513-моддаси мазмунига кўра, ҳукм (ажрим) қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир йил ўтгандан сўнг берилган илтимоснома (протест), башарти унда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар (маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топиш, жазони ижро этиш колониясининг қаттиқроқ турини белгилаш, шартли ҳукмни бекор қилиш, ундирув миқдорини кўпайтириш, башарти бу жиноят квалификациясини маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирувчи томонга ўзгартиришга олиб келса ва ҳ.к.), шунингдек, оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш назарда тутилган бўлса, суд томонидан қаноатлантирилиши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ иш бўйича қонун талабига ҳамда Пленум қарорининг тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Жиноят иши материалларидан кўринишича, И. М.ни алдаш йўли билан 1.900.000 сўм пулини қўлга киритганлиги учун жиноят ишлари бўйича Бўка

туман судининг 2005 йил 14 апрелдаги ҳукми билан ЖК 168-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан айбли деб топилиб, 2004 йил 1 декабрдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган. И.дан 1.900.000 сўм пулни жабрланувчи М.га қайтариш белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2005 йил 9 июндаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

И.га оид жиноят иши жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раёсатида 2008 йил 17 ноябрь куни кўрилиб, И. Э.ни ҳам алдаб, ўзига тегишли бўлган уйни фирибгарлик йўли билан иккинчи марта сотгани, Э. иш бўйича жабрланувчи деб топилмагани, суд И.дан 1.900.000 сўмни М.га қайтариб барвақт хулосага келгани, шунингдек, М. билан И. ўртасидаги уй-жойни оғзаки олди-сотди битими ҳамда И. билан Э. ўртасидаги уй-жойни нотариал равишда тасдиқланган олди-сотди шартномасини қонунийлигини текшириш, иш бўйича қўшимча гувоҳларни сўроқ қилиш йўли билан юридик баҳо бериш лозимлиги қайд этилиб, суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Бекобод туман суди раёсат қарорида кўрсатилган важларни асос қилиб, 2009 йил 12 мартдаги ажрими билан И.га оид жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтарган.

Юқори инстанция судлари И.га оид жиноят иши ЖПК 513-моддасига зид равишда қўшимча тергов юритиш учун қайтарилганига эътибор бермасдан, суд ажримини ўзгаришсиз қолдирган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2009 йил 24 декабрдаги ажрими билан И.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2008 йил 17 ноябрдаги раёсат қарори, жиноят ишлари Бекобод туман судининг 2009 йил 12 мартдаги ажрими,

жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 28 апрелдаги ажрими ҳамда шу вилоят суди раёсатининг 2009 йил 18 сентябрдаги қарори бекор қилинди.

Назорат иши ЖСХ-241-09